
Иброҳим Қасровий

СИЁСИЙ ШАҲС БЎЛИШ ЙЎЛИ



ИБРОҲИМ ҚАСРОВИЙ

СИЁСИЙ ШАХС БЎЛИШ ЙЎЛИ

СИЁСИЙ ШАХС БЎЛИШ ЙЎЛИ

Араб тилида (سَيَاسَةٌ сиёсат) сўзининг луғавий маъноси, (سَاسَ يَسُوسُ سَيَاسَةً) бобидан бўлиб, «ишларни бошқармоқ» маъносини англатади. «Қомусул Муҳит»да (وسست الرعية سياسة أمرتها ونهيتها) фуқарони бошқардим, яъни буюрдим ва қайтардим), дейилган. Демак, сиёсат фуқаро ишларини буйруқ ва қайтариқлар билан бошқаришдир.

Сиёсат сўзининг шаръий маъноси:

Уммат ишларини ички ва ташқи жиҳатдан бошқариш бўлиб, у давлат ва Уммат томонидан бўлади. Давлат ушбу бошқариш билан амалда бевосита шуғулланади, Уммат эса шу бошқаришда давлатни муҳосаба қилади. Бу тариф Росулulloҳ ﷺнинг қуйидаги қатор ҳадисларидан истинбот қилинган:

«كَانَتْ بَنُو إِسْرَائِيلَ تَسُوسُهُمُ الْأَنْبِيَاءَ، كُلَّمَا هَلَكَ نَبِيٌّ خَلَفَهُ نَبِيٌّ، وَإِنَّهُ لَا نَبِيَّ بَعْدِي، وَسَتَكُونُ خُلَفَاءَ فَتَكْفُرُ، قَالُوا: فَمَا تَأْمُرُنَا؟ قَالَ: فُؤَا بَيْعَةِ الْأَوَّلِ فَأَلَّوْا، وَأَعْطَوْهُمْ حَقَّهُمْ فَإِنَّ اللَّهَ سَأَلَهُمْ عَمَّا اسْتَرَعَاهُمْ»

«Бану Исроилга пайғамбарлар сиёсат юргизарди. Қачон бир пайғамбар ҳалок бўлса, ортидан бошқа бир пайғамбар келарди. Мендан кейин эса пайғамбар йўқ. Халифалар бўлади ва улар кўпайиб кетади. Шунда: бизга нимани буюрасиз? – дейишган эди, айтдиларки: биринчисининг, фақатгина биринчисининг байъатига вафо қилинглари ва уларнинг ҳақларини беринглари, зеро Аллоҳ улардан фуқарони қандай бошқарганлари ҳақида сўрайди».

Яъни: эй мусулмонлар, сизларга халифалар сиёсат қиладилар, ишингизни бошқарадилар, демакдир.

«مَا مِنْ عَبْدٍ اسْتَرَعَاهُ اللَّهُ رَعِيَّةً فَلَمْ يَحْطَ بِنَصِيحَةٍ إِلَّا لَمْ يَجِدْ رَاحَةَ الْجَنَّةِ»

«Бирор бандани Аллоҳ фуқарога бошлиқ қилсаю, у уларга самимий бўлмаса, жаннатнинг ҳидини ҳам топмайди».

«مَا مِنْ وَالٍ يَلِي رَعِيَّةً مِنَ الْمُسْلِمِينَ، فَيَمُوتُ، وَهُوَ عَاشٍ لَهُمْ، إِلَّا حَرَّمَ اللَّهُ عَلَيْهِ الْجَنَّةَ»

«Бирор волий мусулмон фуқарога уни алдаган ҳолда волийлик қилган бўлса, шубҳасиз, Аллоҳ унга жаннатни ҳаром қилади».

Булар ҳукмдорнинг ўз фуқароларини бошқариш ва унга самимий бўлиб, ишларни бошқаришни англатади.

«سَتَكُونُ أَمْرَاءَ فَتَعْرِفُونَ وَتُنْكِرُونَ فَمَنْ عَرَفَ فَقَدْ بَرِيَ وَمَنْ أَنْكَرَ سَلِمَ، وَلَكِنْ مَنْ رَضِيَ وَتَابَعَ، قَالُوا: أَفَلَا نَقَاتِلُهُمْ؟ قَالَ: لَا. مَا صَلُّوا»

«Келажакда амирлар бўлади, сизлар (уларнинг маъруф ва мункар амалларини жуда яхши) биласизлар ва (мункарларини) инкор этасизлар. Бас, ким (уларнинг мункар амалларини) билиб, (ёмон кўрса) пок бўлади, ким (уларнинг мункар амалларини) инкор қилса саломат қолади, лекин кимда ким (мункарга) рози бўлиб, эргашса борми! Биз ундай амирларга қарши жанг қиламизми, деб сўрашди, Пайғамбар ﷺ айтдилар: Йўқ, модомики намоз ўқир эканлар (уларга қарши жанг қилмайсиз)».

Бу Умматнинг ҳукмдорни муҳосаба қилиши тўғрисида бўлиб, у ҳам ишларни бошқаришни англатади.

«مَنْ أَصْبَحَ وَهَمَّهُ غَيْرُ اللَّهِ فَلَيْسَ مِنَ اللَّهِ، وَمَنْ أَصْبَحَ لَا يَهْتَمُّ لِلْمُسْلِمِينَ فَلَيْسَ مِنْهُمْ»

«Ким тонг оттирсаю ғам-ташвиши Аллоҳдан бошқаси бўлган бўлса, бас, у Аллоҳдан эмас, ким тонг оттирсаю мусулмонларга ғам-ташвиш қилмаган бўлса, у улардан эмас».

Журайр ибн Абдуллоҳдан ривоят қилинади: **«Мен Росулulloх ﷺ га намозни барпо қилишга, закотни адо этишга ва ҳар бир мусулмонга самимий бўлишга байъат қилдим».** Яна ундан ривоят қилинади: **«Мен Набий ﷺ нинг олдиларига келиб, мен сизга Ислом учун байъат қиламан, дедим, шунда ул зот байъатимни ҳар бир мусулмонга самимий бўлиш шарти билан олдилар».** Бу мусулмонларнинг ҳукмдор ва фуқаро сифатида самимий бўлиш ва ўз манфаатларига ташвиш қилиш бўлиб, бу ҳам ишларни бошқаришни англатади.

Мусулмонлар давлати бўлган Халифалик давлати ағдарилди, исломий юртларда сиёсий куфр тузумлари татбиқ этилди, сиёсий Ислом билан бошқариш тугатилди, ўрнига Ғарбнинг капиталистик мабдадан келиб чиққан, динни ҳаётдан ажратишга асосланган сиёсий фикрлари ўрнатилди... Шундан бошлаб, капиталистик давлатлар Умматни сиёсатдан ва унинг воқени англаб етишдан чалғитишни бошлашди: Мумкинотлар фани бўлган сиёсатга ўзлари истагандек, «реалистлик ва воқедаги ҳолатга кўниш билан уни ўзгартиришни маҳол санаш», дея тасвирлашди. Бу ғирт ёлғон ва тарих чархпалагини тўхтатишдир. Чунки тарихнинг тарифи, содир бўлган ҳодисалар ва ўзгарган воқеалар иқтибоси, дейилган. Тарихни ўтиб кетган кун сиёсати, ҳам дейилади. Яъни реалистлик ва содир бўлган ишга кўникиш тарихга ҳам, сиёсатга ҳам зид. Сиёсат сўзлар далолат қилган нарса ҳам эмас, маҳол нарса ҳам эмас ва шу тўғридир. Чунки мумкин иш бўлиши мумкин бўлган иш, маҳол иш эса бўлиши мумкин

бўлмаган ишдир. Ғарб сиёсат ҳақида – сиёсатни даҳолардан бошқалар тушунолмади ва у билан шуғулланолмади, сиёсат ёлғонни ва алдовни талаб қилади, шунинг учун у Ислоннинг олийлигига, руҳонийлигига зиддир, дин билан сиёсат бир-бири билан чиқиша олмайди... каби адаштирувчи фикрларни берди. Бу билан одамларни сиёсатдан узоқлаштириш, сиёсий ҳаракатлар ва сиёсатчилардан нафратлантиришни кўзлади. Ҳатто аҳвол шу даражага етдики, мусулмонларни ахборот воситаларидаги хабарларни эшитишдан ҳам нафратлантиришди ва буни уларни тинглаш турмушни бузади, ташвиш келтиради, дея дастаклашди. Буларнинг ҳаммасидан кўзлаган мақсадлари шуки, Уммат зулм ва капиталистик мабда оловида жижанак бўлиб қолиб кетсин, ҳеч қачон ўзининг ривожланиш йўлини излаб тополмасин, капиталистик давлатлар эса ўз куфр мабдаси муҳофазасини таъминлаб олишсин... Чунки бу давлатлар то сиёсий уюшмалар томонидан сиёсий фаолият олиб борилмагунча, уларнинг куфр мабдасини уриб ташлаб бўлмаслигини яхши билишади. Шунинг учун мусулмонлар сиёсатдан мақсад нималигини луғавий ва шаръий жиҳатдан англаб етмоқлари ва қандай қилиб сиёсий шахсларга айланиш мумкинлигини тушуниб олмоқлари керак. Ана шунда бу куфр давлатларига, уларнинг ифлос режалари ва сиёсий воситаларига қарши курашиш имкониятига эга бўладилар. Зеро, бу давлатлар шу режа ва воситалардан бизнинг исломий юртларга ҳукмрон бўлиш ва мусулмонларнинг ривожланишига йўл қўймаслик учун ҳам фойдаланишмоқда.

Сиёсий шахс ким?

Сиёсатнинг юқорида айтганимиз таърифидан аён бўлишича, инсон инсон сифатида ва бу ҳаётда яшаётган бир шахс сифатида аслида табиатан сиёсийдир, у сиёсатни яхши кўради ва унга эътибор беради, ўз ишларини ёки оиласи ва қабиласи каби ўз жавобгарлиги остидаги кишилар ишларини бошқаради. Бироқ сиёсатдан ҳақиқий мақсад, инсоннинг ўз Уммати ва мабдаси ишларини бошқаришдир. Модомики, биз Ислон Уммати тўғрисида сўз юритаётган эканмиз, демак, ҳақиқий сиёсий шахс шу Умматнинг ишларини бошқарувчи шахс бўлиб чиқади. Зотан, бугун Уммат аҳволи ҳаммага яққол маълум: илгари унга яқинлашишга ҳам ботинолмайдиган халқлар бугун унга итдек ташланадиган бўлиб қолди, у илгари етакчилик қилган халқларга бугун у етакларига осиладиган бўлиб қолди, илгари Ислон тузуми билан ҳукм юритган бўлса, ҳозир ғайриисломий тузум билан ҳукм юритмоқда. Бир бутун давлати майда давлатларга бўлиниб-бўлиниб кетди, илгари Ислонни бутун оламга даъват ва жиҳод орқали етказиб келган бўлса, бугун бу ишдан воз кечди, оқибатда

мағлубият кетидан мағлубиятга, парчаланиш кетидан парчаланишга, мусибат кетидан мусибатга, жароҳат кетидан жароҳатга дучор бўлди... Буларнинг ҳаммасига Фаластин, Босния ва Герцеговинагача, Чеченистон, Афғонистон, Ироқ, Бирма ва бошқа давлатларда дучор бўлди. Росулulloҳ ﷺнинг ушбу сўзлари ўз исботини топди:

«يُوشِكُ أَنْ تَدَاعَى عَلَيْكُمُ الْأُمَمُ مِنْ كُلِّ أَفُقٍ كَمَا تَدَاعَى الْأَكْلَةُ عَلَى قِصْعَتِهَا قِيلَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ أَمِنْ قَلَّةِ بَنِي يَوْمِنَا؟ قَالَ: أَنْتُمْ يَوْمِنَا كَثِيرٌ، وَلَكِنْ تَكُونُونَ غَنَاءً كَغَنَاءِ السَّيْلِ، يَنْتَزِعُ الْمَهَابَةَ مِنْ قُلُوبِ عَدُوِّكُمْ وَيَجْعَلُ فِي قُلُوبِكُمُ الْوَهْنَ قِيلَ: وَمَا الْوَهْنُ؟ قَالَ: حُبُّ الدُّنْيَا وَكَرَاهِيَةُ الْمَوْتِ»

«Еб тўймас очофатлар ўз товоғига ташлангани каби яқинда миллатлар барча тарафдан сизларнинг устингизга ташланади, дедилар. Шунда саҳобалар ё Росулulloҳ, ўша пайтда сонимиз кам бўлганидан шундай бўладими? – деб сўрашди. У зот: **Сизлар у пайтда кўп бўласизлар. Лекин селнинг кўпиги каби кўпик бўласизлар. Аллоҳ душманларингиз қалбларидан сизлардан бўлган кўрқувни олиб қўяди, сизларнинг қалбларингизга эса ваҳни солиб қўяди, дедилар. Шунда: Ваҳн нима? - деб сўралганди, у зот: Дунёни яхши кўриш, ўлимни ёмон кўриш, деб жавоб бердилар»** (Абу Довуд ривояти).

Буларнинг бари кўриқчи (Халифалик давлати)нинг йўқлиги туфайлидир. Ушбу сўзларни айтган имом Алини Аллоҳ раҳмат қилсин: «Дин устун, султон кўриқчидир, устунни йўқ нарса вайрон бўлади, кўриқчиси йўқ нарса зое кетади». Шу боис ҳақиқий сиёсатчи ушбу давлатни бор қилишга фаолият қилаётган кишидир. Бироқ шахс қанчалар юксак даҳо ва зукко бўлмасин, бу ишни ёлғиз ўзи адо этолмайди. Шунинг учун сиёсий бўлмоқчи бўлган киши Ҳизб ут-Таҳрир билан бирга фаолият қилиши шарт. Ушбу Ҳизб Ислom асосида, Росулulloҳ ﷺнинг тариқатларига эргашган ҳолда Ислom Умматини уйғотишга фаолият қилувчи сиёсий Ҳизб. У Ислomни татбиқ қилиб, уни даъват ва жиҳод орқали бутун дунёга етказадиган Ҳизб, ким фарзлар гултожиси бўлган Халифалик давлатини барпо этиш учун фаолият қилувчи сиёсий шахс бўлишни истаса, Ҳизб унинг учун тайёр йўлдир. Сиёсат Ҳизб ут-Таҳрирда ҳамда унинг қуйидаги ишларида кўзга ташланади:

Умматни Ислom билан тоблаш ва унга сақофат бериш:

Бундан мақсад, бузук ақидалар, хато фикрлар, адаштирувчи тушунчалардан ҳамда куфр фикрлари ва раъйларидан Умматни поклашдир.

Фикрий кураш:

Бу куфр фикрлари ва тузумларига, хато фикрларга, бузуқ ақидаларга, адаштирувчи тушунчаларга қарши курашиш билан, уларнинг бузуқлиги ва хатолигини кўрсатиш ва бу борадаги Ислом ҳукмини баён қилиш билан бўлади.

Сиёсий кураш:

Бу исломий юртларда нуфузи бўлган кофир давлатларга қарши курашишда намоён бўлади. Ундан мақсад, Ислом Умматини уларнинг ҳукмронлигидан халос қилиш, нуфуздан озод этиш ва қолган бошқа юртлардан ҳам уларнинг фикрий, сақофий, сиёсий, ҳарбий нуфузини ва тузумини илдизи билан қўпориб ташлашдир.

Шунингдек, сиёсий кураш Ислом дунёсидаги, Араб юртларидаги ҳукмдорларга қарши курашиб, уларнинг Умматга қарши хоинликлари ва тил бириктирувларини фош этишда кўринадди, уларни муҳосаба қилишда, наҳи мункар қилишда ҳамда Уммат олдидаги ўз вазифаларини адо этишда ва ишларини бошқаришда сусткашлик қилишган пайтда ёки Ислом аҳкомларига қарши чиқиб, куфр ҳукмларини татбиқ этишган пайтда буларни ўзгартиришда намоён бўлади.

Энди, Ҳизб ут-Таҳрирнинг ўзи билан бирга фаолият қилган кишини сиёсий шахсга қандай айлантиришига келсак, буни қуйидагиларда кўриш мумкин:

1 – Ҳизб шахсни ақида, фикрлар, аҳком ва тузумлардан иборат исломий сақофат билан бойитар экан, уларни зехнда сақланувчи маълумотлар сифатида ёки китобларнинг ичидаги ва шахсларнинг зехнидаги академик фикрлар сифатида эмас, балки уларга амал қилиш ва уларни ҳаёт воқеида вужудга келтириш мақсадида беради, мияда сақланувчи маълумот сифатида ёки китоблар қорнида, бошқача айтганда, уларни шахсга қандайдир фикрий дабдаба сифатида эмас, сиёсий юк (масъулият) сифатида юклайди.

2 – Ҳизб хабар ва ҳодисаларни таҳлил қилиш орқали сиёсий кураш олиб борар экан, бу билан мустамлакачилар, уларнинг малайлари ва арбоблари режаларини фош этишни мақсад қилади. Бунинг муқобилида, қарши курашиш ва ўша режалардан қутулиш йўлларини кўрсатиб беради. Тўғри, буларни Ҳизбнинг шахслари ва уларга қулай бўлган нашралар ва воситалар орқали амалга оширилади. Бироқ Ҳизб фақат шахсларгагина таяниб қолмайди, балки ҳар бир шахсни сиёсий тушунча ва маълумотлар билан бойитганидан сўнг уларга талаблар қўяди: мазкур режаларни фош қилишни, хабарларни таҳлил қилиб бу борада ўз фикрларини билдиришни,

Ҳизбнинг хабарларни таҳлил қилиб беришини кутиб ўтирмасдан, ўзлари ҳам онгли сиёсий шахс бўлишларини талаб қилади.

Сиёсий таҳлил нима?:

Сиёсий таҳлилдан мақсад, хабар ва воқеаларнинг асл ҳақиқати нима эканини ва ортида кимлар турганини ёритиб бериш учун уларни таҳлил қилишдир. Шундай қилиш билан кифояланган киши сиёсий таҳлилчи, деб аталади. Аммо бу билангина кифояланмай, воқеа ё хабарга махсус бурчакдан туриб ўз фикрини билдира оладиган, шу бурчакдан бутун дунёга назар ташлай оладиган киши эса сиёсий онг соҳиби, деб аталади, демак, сиёсий таҳлилчи билан сиёсий онг соҳиби ўртасида улкан фарқ бор.

Шахс сиёсий онг соҳиби бўлиши учун унда бир неча нарсалар бўлиши керак:

Биринчи, сиёсий маълумотлар:

Маълумотлари йўқ киши таҳлил қилолмайди. Бу маълумотлар дунёда биринчи мавқедаги давлат ҳақида, дунёга ҳукмронлик қилиш учун бири-бири билан рақобатлашаётган йирик давлатлар ҳақида, бу давлатларнинг нуфузи остига кирган минтақалар ҳақида, сиёсий майдонда ўз кучига эга давлатлар ҳақида, малай давлатлар, хусусан, исломий юртлар ҳақидаги маълумотлардан иборат. Шунингдек, бу давлатлардан ҳар бири кимга эргашиши, қандай восита ёрдамида курашиши, ҳар бир восита кимга дахлдор экани... ва бошқа маълумотлардан ҳам иборат. Аввалда шахс барча маълумотларни ўзлаштириб олиши шарт эмас, балки улар бирламчи ва тоза маълумотлар бўлса, кифоя. Кейин вақт ўтгани сари унинг маълумотлари кўпайиб, кўпроқ ўрганиб изланаверади, «сиёсий тушунчалар», «сиёсий масалалар» ва «сиёсий фикрлар» сингари айрим китобларни ўқиб боради.

Иккинчи, дунёда содир бўлаётган воқеа ва ҳодисаларни кузатиб бориш:

Бошланишда шахс муҳим ва муҳим бўлмаган барча хабарларни кузатиши керак. Кейинчалик аста-аста ва вақт ўтгани сари, фақат сиёсий кураш учун керак бўладиган муҳим хабарларга чеклана оладиган шахсга айланади. Кузатув узилиб турадиган кузатув бўлмаслиги, албатта узлуксиз бўлмоғи даркор. Чунки воқеа ва ҳодисалар ҳар томонлама ўзаро боғлиқ занжирли бўлади, қачон улардан бир ҳалқа узилса, занжир бузилиб кетади, ана шунда шахс хабарларни ўзаро боғлашга ва уларни тушунишга қодир бўлмай қолади.

Учинчи, хабар ё ҳодисани мукамал текшириб кўриш:

Шундан кейин шахс хабар манбаини, кейин эса бу манбанинг ростгўйлигини билиб олади. Агар хабар ёлғон бўлиб чиқса, унинг ёлғон бўлишидан нима мақсад кўзланганини билиши керак. Агар рост бўлса, унинг олинган жойини, у билан боғлиқ шарт-шароит ва вазиятни, хуллас, унга тегишли ҳамма жиҳатни билиши керак. Шахс хабарни қанчалик чуқур, пухта текширса, унинг алданиш ё хато қурбонига айланиш хавфи шунчалик йўқолади. Чунки ҳодиса ё хабарни шарт-шароитларидан ва у билан боғлиқ воқеалардан узиш саёз тушунишга, оқибатда эса хато ва адашишга олиб бориши мумкин.

Тўртинчи, умумийлаштиришдан, яхлит қиёслашдан ва мантиқдан узок бўлиш.

Чунки бу воқеа ва ҳодисаларни тушунишдаги офат бўлиб, шахсни хатога киритиб кўяди. Шунинг учун бир ҳодисани иккинчи ҳодисага умумийлаштирмаслик керак, ҳатто улар ўртасида ўхшашлик бўлса ҳам. Чунки бу билан хато содир бўлади. Ҳодисалар гарчи замон, макон ва табиатда бир-бирига ўхшаш бўлса-да, бироқ улар ортида турган бир қанча жиҳатларида ва кўзланган мақсадларида бир-бирига ўхшамайди. Шунинг учун ҳар бир ҳодиса алоҳида олинмоғи лозим, бир вақтнинг ўзида, хатога тушиб қолишдан эҳтиёт бўлиниб, мантиқдан йироқлашиш ва хулоса чиқаришга шошилмаслик ҳам зарур.

Бешинчи, хабарни маълумотларга ва у билан боғлиқ хабарларга боғлаш:

Бу тушуниш, англаб етиш ва таҳлил қилишда иш беради. Ким хабарларни кузатиб бораверса-ю, уни таҳлил қилиш учун у билан боғлиқ бошқа маълумотларга боғламаса, бундай шахсинг фақат маърифат жиҳатидан кузатмаётган кишидан фарқи қолмайди ҳамда зарар жиҳатидан ўзига ҳам, Умматига ҳам зиён етказётган кишига ўхшаб қолади. Гап шундаки, бу ҳолатда у хабарларни зоҳирига қараб таҳлил қилади-да, ўзи ҳам адашади, бошқаларни ҳам адаштиради. Шу билан бирга, ким сиёсий маълумотларга эга бўлса-ю, бироқ улардан хабар ва ҳодисаларни таҳлил қилишда фойдаланмаса, у сиёсий шахс бўлмайди, у қанчалар маълумотга бой бўлмасин, бунинг фарқи йўқ. Шахс қанчалик тушуниш, англаш ва боғлашда ғайратли бўлса, унинг таҳлили шунчалик тўғри чиқади. Масалан, хабар халқаро сиёсатга тааллуқли бўлса-ю, шахс уни маҳаллий сиёсатга боғлаб олса, ё маҳаллий сиёсатга тааллуқли бўлса-ю, уни халқаро сиёсатга боғлаб олса, ёхуд иқтисодга тааллуқли хабар бўлсаю, уни – гарчи

иктисодга тааллуқли бўлса ҳам – сиёсатга боғлаб олса, ёки Британия сиёсати билан боғлиқ хабарни Америка сиёсатига боғлаб олса, хатога кириб қолиши тайин. Шунинг учун хабарни фақат шу хабарга тааллуқли маълумотларга боғлаш, тўғри таҳлилга эришиш учун бағоят муҳимдир. Бироқ сиёсий таҳлил қилишда бетарафликка ва мавзудан чиқмасликка риоя қилиш жуда муҳим бўлиб, у муҳимликда тўғри таҳлилга эришишдан фарқ қилмайди. Чунки таҳлилчининг ўз шахсий ё ҳизбий ё мабдаий нарсаларига қизиқиши, кўп ҳолларда, ўзи истаётган натижага қараб таҳлил қиладиган таҳлилчига айлантириб қўяди, оқибатда ҳақиқатларга ўзига ёққан рангни чоплайди, фикрларни ўзи истаган тариха изоҳлайди, бу эса ўз навбатида, таҳлилчини хабар ё воқеани хато таҳлил қилиб қўйиб, адашишга ва адаштиришга гирифтор этади.

Олтинчи, одамларга воқеа ва ҳодисаларга нисбатан ўз қарашларини бериш ва унинг бу қарашлари бутун дунёга назар ташлайдиган бурчагидан келиб чиққан бўлиши:

Айни вақтда, мусулмонларни Ислом асосида уйғотишга ҳаракат қилаётган сиёсий шахс махсус бурчакдан туриб, Умматга кўп нарсаларни фош этади: Жумладан, кофир давлатларнинг бир-бирига қарши курашишларини, исломий юртларни мустамлака қилиш ва уларнинг бойликларини талон-тарож қилиш устида ҳамда мусулмонларнинг Исломни татбиқ ўрнига қўйиш орқали уйғонишларига йўл қўймаслик устида ўзаро тил бириктиришларини, мусулмонлар ҳукмдорлари уларга хиёнат қилаётганларини, ҳамма-ҳаммасини фош қилади. Кейин мусулмонлар айни режимларни ағдариш ва Ислом давлатини барпо этиш орқали туб ўзгариш яшашга ҳаракат қилишлари учун ушбу фош қилинган нарсалари билан Умматга туртки беради. Сиёсий онг соҳиби мусулмонларга фикр беришда одамларнинг қизиқишларига, майлларига ва жамоатчилик фикрига карамайди, ҳақиқатларга ўзи истаган рангни чопламайди, фикрларни афкори омма хоҳлайдиган тарзда ўзгартирмайди. Чунки бундай қилиш Умматни адаштириш ва унга хоинлик қилишдир. Шунинг учун сиёсий онг соҳиби ҳақ сўзни очик ва курашувчан тарзда айтадиган киши бўлмоғи лозим. Бу ҳақ сўз куфр давлатларининг курашлари ва мусулмонларга қарши тил бириктирувлари, мусулмонлар ҳокимларининг, ғарбпарастларнинг, Исломга гина-кудурати бор кимсаларнинг хоинликларини очик айтишдан иборат. Бу кимсаларни хоинликларини фош этишда уларнинг жамиятда қандай мансаб ё обрўда бўлишларига ёки одамларнинг алданиб, уларни яхши кўришларига эътибор бермайди. Малай кимса одамлар наздида қахрамон ҳисобланаётган бўлса, уни албатта малай, деб айтади, хоин кимса

одамлар наздида омонатли киши саналаётган бўлса, уни баралла, хоин деб атайди.

Сиёсий онг соҳиби фақат оддий одамларга фикр бериш билан чекланмаслиги, балки барча сиёсий доиралар ва сиёсий партияларга ҳам фикр бериши керак. Чунки улар – раҳбар бўладими ё бошқами – сиёсий хабарлар, сиёсий амалиётлар ва сиёсий ҳодисаларга нисбатан ундан олган шу фикрлари асосида фикр билдирадидилар. Шунингдек, у айрим шахсларнинг ахборот, матбуот ва радио каналлари, йиғинлари дохил минбарларидан ўз фикрини баён қилишда фойдаланмоғи лозим. Бироқ бугун исломий юртлардаги аксар сиёсий доиралар бузук, у ерлардаги режимлар золим бўлиб, улар матбуот, радио-телевидение, фазовий каналларга ўз ялоқхўрлари орқали ҳукмрон бўлиб олишган, бу ялоқхўрлари куфр тузуми ва сиёсатидан фитналаниб, Исломни ёмон кўришади, унга нисбатан дилларида кек сақлашади, уни бадном қилишади. Улар Исломнинг ҳаётга бўлган нуқтаи назаридан туриб фикр бермоқчи бўлган зотлар олдидан эшикларга қулф солишади. Чунки бу уларнинг режимларига таҳдид туғдиради... Демак, мана шуларни эътиборга олганда, мазкур сиёсий доиралар минбарларидан фойдаланишда мушкуллик туғилади. Аммо бу сўзларимиз Сиёсий онг соҳибининг уларга таслим бўлишини англамайди. Аксинча, у айни доиралар раҳбарлари ва аъзолари орасида ўз фикрини тарқатавериши, ўз қобилияти ва билимини ишга солиши, фикрини Росулulloҳ ﷺ дан ўрнак олиб, маломатчининг маломатидан қўрқмай очик билдириш учун уларнинг минбарларидан қулай имконият топиб фойдалана билиши даркор. Дарҳақиқат, Росулulloҳ Қурайш йиғинларига кирардилар. Бу йиғинлар ўша пайтда қавмнинг сиёсий доираси тўпланадиган жойлар ҳисобланарди. Уларга Роббининг рисолатини очик ва курашувчан руҳда етказардилар, тинчликни афзал кўриш билан уларга хушомад, ялтоқлик, муросасозлик кўрсатмасдилар, натижа ва вазиятларга эътибор бермасдилар. Кейин саҳоба رضي الله عنهمлар ҳам шундай бўлганлар.

Бу ишлар жуда кўп, машаққатли ва амалга ошириш қийин, дейилмаслиги керак. Чунки улар қийин эмас, улардан мақсад, бошида шундай қилишни билиш керак бўлади, холос, албатта кенг билим-маърифатга эга бўлиш шарт эмас. Шунинг учун бу ҳар бир инсоннинг имкониятидаги иш, унинг фикрлаши, илми ва амалининг қандай даражада бўлишининг фарқи йўқ, сиёсий онг эгаси бўлса, бас. Гап шундаки, инсон оддий, иқтидорли, дохий, муҳандис, шифокор, сотувчи, кўкатфуруш, чилангар, кийим-кечак сотувчи бўладими, ҳар қандай инсон сиёсий онг соҳиби бўлишга қодир. Балки у бу

борада Росулulloҳ ﷺ дан ва саҳобаи киромларидан ибратланган ҳолда бор кучини сарфламоғи керак.

Ибн Абу Ҳотам Ибн Шиҳобдан ривоят қилади: Росулulloҳ ﷺ нинг Мадинага ҳижрат қилмасларидан олдин бизга мушрикларнинг Маккада мусулмонлар билан гап талашиб, бундай дейишаётгани тўғрисида хабар келди: Румликлар ўзларини аҳли китоб, деб гувоҳлик беришади, аммо уларни мажусийлар мағлуб қилган, сизлар ҳам бизни Набийингизга нозил бўлган китоб ёрдамида мағлуб қилишингизни даъво қиляпсиз, ахир, мажусийлар румликларни енгишдику, ҳолбуки уларда ҳам китоб бор эди? Биз ҳам форслар румликларни енгишганидек, сизни албатта енгамиз. Шунда Аллоҳ Таоло ушбу оятни нозил қилди:

﴿الْمَ ۞ غَلَبَتِ الرُّومُ ۞ فِي أَدْنَى الْأَرْضِ وَهُمْ مِّنْ بَعْدِ عَلَيْهِمْ سَيِّغَابُونَ﴾

«Алиф. Лом. Мим. Жуда яқин жойда Рум мағлуб бўлди, улар (яъни румликлар) бу мағлубиятларидан сўнг бир неча йил ичида албатта ғалаба қилажаклар»
[Рум 1-3]

Ривоят қилинадикки, бозорларда қўйнида эски кийим-кечак сотиб юрувчи Абу Бакр رضي الله عنه румликлар албатта ғалаба қозониши борасида мушриклар билан гаров бойлашади ва буни Росулulloҳга етказади, Росулulloҳ бунга рози бўлиб, Абу Бакрдан гаровга муддат белгилашни талаб қиладилар. Ушбу ривоят мусулмонларнинг ўша пайтдаги давлатлар вазияти ва улар ўртасидаги алоқаларни яхши билганларига далолат қилади ва ўз навбатида, Росулulloҳ ﷺ билан саҳобаи киромларнинг ташқи сиёсатга ҳам жуда эътибор қаратганларини, халқаро хабарларни, давлатлараро алоқаларни кузатиб борганларини ҳам яққол кўрсатиб турибди. Бу ҳали Ислому давлати барпо бўлмасидан олдин эди, у пайтда форслар билан румликлар мусулмонларга хавф туғдирмасди, Ислому давлати барпо бўлиши олдида тўсиқ қўймасди... Хўш, йирик давлатларнинг Ислому давлатининг барпо этилиши олдида тўсиқ қўйиш ва унга қарши режалар ишлаб чиқиш учун кечаю кундуз ўз малайларини, қурол-воситаларини ишга солишаётган бугунги кунимизда қанчалар эътиборли ва онгли бўлиш керак экан?!!

Сиёсий таҳлилни қандай қилишга мисол:

Биз «сўзлар мисол билан равшан бўлади», деган гапдан келиб чиққан ҳолда, таҳлил қилиш ва сиёсий онгга эга бўлиш йўли тўғрисидаги юқорида келтирган фикрларимизга мисол келтирмоқчимиз, токи, мавзунини тушуниш ва унга амал қилиш осон бўлсин, фақат фикрий назария бўлиб қолмасин.

Баъзи кишиларга юқорида баён қилганимиз қатор фикрлар билан сиёсий таҳлил машаққатли бўлиб кўринмаслиги учун мисолларни оддий қилиб келтирмоқчимиз.

Хабарларни кузатиб бориш:

2013 йил 27 сентябрда халқаро ва маҳаллий ахборот воситалари ҳамда «ал-Жазира», «ал-Арабия», «Яману саид» фазовий каналлари ва бир неча матбуоту радиоларда бир хабар тарқатилди. Хабарда Саъда (Яманнинг Саудия билан чегарадош шаҳри)даги Даммаж фронтида тўқнашув ва жанглар юз бергани айтилди. Ахборот агентликлари айти тўқнашув хувсийларнинг шаҳардаги салафийлар масжидига ҳужум қилишлари оқибатида юз берганини, унда иккала тарафдан юздан зиёд шахс нобуд бўлганини хабар қилишди.

Сиёсий маълумотлар:

Ямандаги Америка ва Британия кураши. Америка Яманга кўз олайтиряпти ва у ерда ўз нуфузига эга бўлишга уриняпти (чунки Яман стратегик мавқега эга бўлиб, газ, олтин ва бошқа бойликларга сероб юрт, у Бобул Мандабгача чўзилган). Британия эса Али Абдуллоҳ Солиҳ раҳбарлигидан бошланиб, Абдуроббих Мансур Ҳодий раҳбарлиги давригача давом этиб келаётган ўзининг собиқ нуфузини сақлаб қолишга уринмоқда. Ямандаги кўзғолон натижалари ҳам, диалог хулосалари ҳам Британия нуфузини бу юртдан узоқлаштиришга хизмат қилмади. Гарчи Али Абдуллоҳ Солиҳ ва айрим инглиз малайларининг кетиши билан унинг нуфузини бир оз заифлаштирган бўлса-да, бироқ ишлар тизгини яна ўшалар қўлида қолаверди. Бунинг сабаби, уларнинг нуфузи армия, қабила раҳбарлари, сиёсий партиялар, жумладан, Конгресс ва Ислоҳ партиясида чуқур ўрнашгани эди. Америка кўзғолондан олдин ҳам, кейин ҳам қўлида икки кузир картаси билан ўйин қилган ва хануз ўйин қилмоқда, бу иккаласи Ҳувсийлар ва бўлинишни талаб қилаётган Жанубий ҳаракат. Америка кўзғолон натижасига рози бўлган эмас, чунки айти натижалар Британия нуфузининг кучли келиши оқибатида ўзининг фойдасига бўлмади. Буни БМТнинг Ямандаги вакили Жамол ибн Умарнинг 2013 йил 27 сентябрда «Хавфсизлик Кенгашини тарқатиб юбориш тўғрисида баённома» номли ўз ҳисоботида диалог муддатини узайтиришни таъкидлагани яққол исботлаб турибди. Ундан уч кун аввал Британиянинг Ямандаги элчиси Жейн Марриотт хоним эса берган баёнотида «диалог йиғини муддати узайтирилмасин, фуқаро ҳис этиши учун унинг натижалари босқичи бошлансин», деди. Агар Америка мана шундай йиғинлари ва сиёсий курашлари орқали ўз мақсадини рўёбга чиқара

олмайдиган бўлса, «Халифалик муваффақиятсизлиги», номли сиёсатини қўллашга ўтиши шубҳасиз.

Хабар ё ҳодисани чуқур ўрганиш:

Ахборот воситаларида мазкур ҳодиса ҳақида тарқатилган хабарлар тўғри эканига ишонч ҳосил қилиниб, сўнг ҳодиса ва у билан боғлиқ шарт-шароитлар чуқур тушунилгач, шуни сезиш мумкинки, бу аввалги ҳодисаларга ўхшамайди, балки бунда кенгайтирилган тарзда ва кўпроқ зўравонлик содир этилган, ҳатто ўлганлар сони юздан ортиб кетган. Жанглар бир томондан Ҳувсийлар, иккинчи томондан салафийлар ўртасида кечган, уларнинг ҳаммаси ҳам минтақада юзлаб йиллардан буён ҳеч қандай уруш ва низосиз тинч яшаб келганлар. Салафийлар масжидига бомба ташлаш билан биринчи бўлиб бевосита ҳужум бошлаганлар Ҳувсийлар бўлган. Аввалда бир неча, бироқ чекланган шаклда тўқнашувлар бўлиб ўтгандан сўнг президентлик воситачилиги комиссияси билан оташкесимга эришилишини назорат қилувчилар комиссияси мавжуд бўлиб турган бир пайтда минтақани бомбардимон қилганлар ҳам Ҳувсийлардир. Шунингдек, мазкур ҳодиса Жамол ибн Умарнинг диалог тўғрисида баёнот бериши билан бир вақтда содир бўлган.

Умумийлаштиришдан, яхлит қиёслашдан ва мантиқдан узоқ бўлиш:

Ушбу ҳодиса бошқа ҳодисаларга умумийлаштирилмаслиги керак, ҳатто улар ўртасида ўхшашлик бўлса ҳам. Масалан, Яман халқи қабилачи халқ, у ердаги ҳар бир ҳодиса тоифачилик асосидаги маҳаллий қабилачилик сабабли юз беради, дейилмасин. Натижаларни дастлабки хулосаларга асосланмасин. Масалан, «Ҳувсийлар шиа, салафийлар эса сунний, бинобарин, улар мазҳабда ихтилоф қилиб, натижада мазҳабпарастлик йўлида ўзаро жанг қилишади», дейилмасин.

Сиёсий таҳлил:

Демак, собиқ маълумотларни айти ҳодиса билан боғланса, сиёсий таҳлил қуйидагича маълум бўлади: Саъдадаги Даммаж фронтга Ҳувсийлар воситасида олов қалаган Америкадир. Буни ўзининг «Халифалик муваффақиятсизлиги», номли сиёсати билан ёнма-ён олиб бормоқчи. Мақсади, Яманда хавфсизликнинг издан чиқиши ва суиқасдларнинг кенг тарқалишидан азият чекаётган ҳукмрон режим олдида муаммолар яратиш. Муаммолар яратишдан мақсади эса, режимни янада заифлик ва беқарорлик ботқоғига ботириш ва шу орқали осонгина ўзининг малайларидан бирини қудратга олиб келишдир. Бунинг муқобилида, Британия ҳам курашди. У Абдуроббих Мансур Ҳодий

рахбарлиги остидаги ўзининг малай режимига нисбатан бундай Америка режасига қарши салафийларни қўллаб-қувватлаш ҳамда ўртани ислоҳ қилиш билан курашди. Бошқача ибора билан айтганда, Саъдада содир бўлган ҳодиса Америка-Британия курашидир, аммо унда маҳаллий воситалар рол ўйнаган.

Сиёсий онг:

Сиёсий онг – одамларга ва сиёсий доираларга юқорида айтилган нарсалар борасида махсус нуқтаи назардан туриб фикр беришдир. Бу фикр шундан иборатки, аини ҳодиса давлатлараро кураш бўлиб, унда маҳаллий воситалардан фойдаланилган, иккала томон ҳам Америка ва Британия сиёсатини қасддан ё қасдсиз ижро этмоқда. Чунки улар Ғарбни рози қилиб, Аллоҳ ва Росулини эса ғазаблантириб, тоифачилик, мазҳабпарастлик оловини ёқмоқдалар ва бир-бирини қонини тўқмоқдалар. Аллоҳ Таоло бундай деди:

﴿وَمَنْ يَقْتُلْ مُؤْمِنًا مُتَعَمِدًا فَجَزَاءُ هُرْ جَهَنَّمَ خَالِدًا فِيهَا وَغَضِبَ اللَّهُ عَلَيْهِ وَلَعَنَهُ وَأَعَدَّ لَهُ عَذَابًا

عَظِيمًا﴾

«Ким қасддан бир мўминни ўлдирса, унинг жазоси жаҳаннам бўлиб, ўша жойда абадий қолажак, у Аллоҳнинг ғазаби ва лаънатида дучор бўлган, (Аллоҳ) унга улкан азобни тайёрлаб қўйган»[Нисо 93]

Ибн Можа Абдуллоҳ ибн Умар رضي الله عنهдан ривоят қилади: мен кўргандим, Росулulloҳ صلى الله عليه وسلم Каъбани тавоф қилаётиб бундай деганлар:

﴿مَا أَطْيَبَ رِيحَكَ مَا أَعْظَمَكَ وَأَعْظَمَ حُرْمَتَكَ وَالَّذِي نَفْسُ مُحَمَّدٍ بِيَدِهِ لِحُرْمَةِ الْمُؤْمِنِ أَعْظَمَ عِنْدَ اللَّهِ حُرْمَةً مِنْكَ مَالِهِ وَدَمِهِ وَأَنْ نَظُنَّ بِهِ إِلَّا خَيْرًا﴾

«(Эй Каъба) Нақадар яхшисан ва нақадар хушбўйсан, нақадар буюксан ва сенинг дахлсизлигинг ҳам нақадар буюк. Муҳаммаднинг жони қўлида бўлган Зотга қасамки, мўминнинг, унинг молининг ва қонининг дахлсизлиги Аллоҳнинг наздида сенинг дахлсизлигингдан ҳам буюқдир. Шунингдек, мўмин хусусида фақат яхшилиқни гумон қилишимиз ҳам сенинг дахлсизлигингдан буюқдир».

Росуллоҳ ﷺнинг бундай деганлари ҳам ривоят қилинган:

«إِذَا تَوَاجَهَ الْمُسْلِمَانِ بِسَيْفَيْهِمَا فَالْقَاتِلُ وَالْمَقْتُولُ فِي النَّارِ»

«Қачон икки мусулмон бир-бирларига қарши қилич кўтарсалар, қотил ҳам, қатл қилинган ҳам дўзахга тушади» (Имом Бухорий ривояти).

Бунинг муқобили ўлароқ, сиёсий онг соҳиби, одамларга ва сиёсий партияларга ҳамда низолашаётган томонларга – булардан қутулишнинг йўли, бундай низоларни тарк этишингиз ва анави малай режимни ағдаришга, Пайғамбарлик минҳожи асосида тўғри йўлни тутувчи Халифалик давлатини барпо этишга ҳаракат қилаётганлар билан бирга ҳаракат қилишингиздан иборат, ана шунда, кофирлар пайи қирқилади, сизлардан Аллоҳ, Росули ва мўминлар рози бўлади, дея баён қилмоғи лозим.

Сўзимиз ниҳоясида мусулмон ёшларга бундай деймиз: бугун Ғарб сиёсат бизнинг халқлар наздида уларнинг кунлик нонларидек яқин бўлиб қолди, дея мақтанаётган экан, биз уларга сиёсат бизнинг наздимизда қон томиримизда оқиб турувчи мусаффо динимиз эканини билдириб қўяйлик.

